

Содиқ Ҳусенов
Тадқиқотчи.
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти |
T: +99891(524-03-09)
E: sodiq.husenov85@gmail.com



Равшан Ҳайдаров
Иқтисодиёт фанлари доктори,
Дублин Технология Университети
TU Dublin | City Campus | Dublin 02HW71 |
T: +353 [1] 402 3308
E: ravshan.khaydarov@tudublin.ie



Хаким Хушвақтов
Физика-математика фанлари номзоди |
доцент | Самарқанд Давлат Университет |
140104 Самарқанд шаҳри Университет
хиёбони -15 уй
T: +99897(4092803),



Мумин Қодиров
Физика-математика фанлари доктори |
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети |
100174 | Тошкент-174 |
T: +99890(5223353)
E: kmumin@rambler.ru



Насим Бобоев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти |
“Маркетинг” кафедраси ўқитувчиси |
T: +99894 (477-02-33)

ISBN 978-9943-7460-9-1

С.Ҳусенов, Р.Ҳайдаров, Х.Хушвақтов,
М.Қодиров, Н.Бобоев

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ДАРС ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.Ҳусенов, Р.Ҳайдаров, Х.Хушвақтов, М.Қодиров, Н.Бобоев

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ДАРС ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

МОНОГРАФИЯ

СамДУ Илмий Кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 13-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган

Самарқанд - 2021

74.24
П 88

С.Ҳусенов, Р.Ҳайдаров, Х.Хушвақтов, М.Қодиров, Н.Бобоев. Профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёни билан боғлиқ фаолиятини баҳолаш. Монография. -Самарқанд: “FAN BULOG‘I” нашриёти. 2021. -120 б.

КБК 74.24

Мазкур монография Жаҳон Банкининг “Академик Инновациялар фонди” (AIF 2/13) ҳамда Самарқанд Давлат университетининг “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш” гранти доирасида тайёрланди.

Бунда С.Ў.Хусеновнинг “Олий таълим хизматлари сифатини ошириш асосида инсон капиталини ривожлантириш” номли PhD илмий-тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган концептуал моделнинг “Академик аспект” қисмидан фойдаланилди. Яъни профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданияти, педагогик маҳорати, талабаларни қўллаб-қувватлаши ва уларнинг билимларини шаффоф ва адолат билан баҳолашининг “талаба қониқиши” ва “талабанинг ОТМга бўлган садоқати”га нисбатан таъсирини таҳлил қилишда латент омиллар ва уларни ифодалайдиган индикаторлардан фойдаланилди. Тадқиқот доирасида тегишли хулосалар, таклиф ва тавсиялар берилди.

Монографиядан ОТМ раҳбар ходимлари, таълим сифатини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, малака ошириш курслари тингловчилари ва магистрлар ҳамда таълим сифати билан қизиқувчи тадқиқотчилар фойдаланиш–лари мумкин.

Тақризчилар:

Ж.Элтазаров	“Ипак йўли” туризм халқаро университети биринчи проректори, профессор
Д.Асланова	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор

ISBN 978-9943-7460-9-1

© С.Ҳусенов, Р.Ҳайдаров, Х.Хушвақтов, М.Қодиров, Н.Бобоев, 2021
© “FAN BULOG‘I” нашриёти, 2021

Аннотация

Ушбу илмий тадқиқот иши Жаҳон Банкининг “Академик Инновациялар фонди” (AIF 2/13) ва “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш” (2019-2021) гранти доирасида Самарқанд Давлат университетида профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги фаолиятини ва талабаларнинг ушбу фаолиятдан қониқиши ва уларнинг университетга бўлган садоқати ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва баҳолашга қаратилган.

ОТМда таълим хизматлари сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боглиқ бўлган кўплаб адабиётларда, асосан умумий хизматлар сифати тадқиқ қилинган. Ушбу монографияда эса айнан профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёни билан боглиқ фаолияти, яъни професссор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданияти, педагогик маҳорати, талабаларни қўллаб-қувватлаши ва ниҳоят, талабалар билимларини шаффоф ва адолатли баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Тадқиқот доирасида “Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш” номли 6 та латент омилдан ташкил топган (35 та индикатордан иборат) сўровнома ишлаб чиқилди ва 1000 дан ортиқ талаба-ёшларга онлайн шаклда тарқатилди. Сўровнома натижалари, яъни 489 респондентлар томонидан тўлдирилган маълумотлар SPSS 26 ва Mplus 8.5 дастурлари ёрдамида структуравий тенгламаларни моделлаштириш (SEM) назарияси асосида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари тадқиқотда илгари сурилган назарий 2 та концептуал модел адекватлилигини ва унга хос гепотезаларнинг тўгрилигини тасдиқлади.

Биринчи концептуал модел (SEM) натижалари, профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёни билан боглиқ фаолиятини ифодалайдиган, латент омил билан талабалар қониқиши ва уларнинг университетга бўлган садоқати ўртасида кучли статистик богликлиқ мавжудлигини кўрсатди. Иккинчи концептуал модел (SEM) натижалари профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёни билан боглиқ фаолиятини баҳолашда энг муҳим латент омил бу профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданияти эканлигини исботланди.

Ушбу тадқиқот натижалари талабаларнинг ОТМга садоқати, уларга дарс берган профессор-ўқитувчилар фаолиятидан қай даражада қониқишига богликлигини намоён этди.

Миннатдорчилик

(Миннатдорчилик С.Ў.Ҳусенов томонидан билдирилган)

Ушбу тадқиқот ишини бажариш ва якунлашда мен миннатдорчилик билдиришга лойиқ бўлган ҳурматли инсонлар борки, улардан ёрдам ва қимматли кўрсатмалар олдим. Тадқиқот ишини якунланиши мен учун жуда қувончли бўлди ва мен шу фурсатдан фойдаланиб қуйидаги инсонларга самимий миннатдорчилигимни билдираман: Аввало, ушбу грант лойиҳасидаги тадқиқотга таклиф этган ва ишни амалга оширишга ўзининг маслаҳатини ва беминнат ёрдамини аямаган ажойиб инсонлар, СамДУ профессорлари М.Қ.Қодиров ва Ж.Элтазаровга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Тадқиқот жараёнларида талабалар ўртасида онлайн сўровномани ўтказиш 2020 йил пандемия даврига тўғри келганлиги туфайли катта қийинчиликларни вужудга келтирди. Ана шундай қийин вазиятга қарамасдан ўзини амалий ёрдамини кўрсатган ва ушбу тадқиқот ишига самимий қизиқиш билдирган СамДУнинг “Илмий ишлар ва инновациялар” бўйича проректори Ҳ.Хушвақтовдан чин дилдан миннатдорман. Тадқиқот ўтказилиши жараёнида ташкилий-иқтисодий ишларни ташкил қилишда бу инсоннинг ҳиссаси жуда катта бўлди.

Тадқиқотни амалга оширишда ўзининг билими, тажриба ва кўникмаларини бўлишган ва қимматли маслаҳатлари, амалий ёрдамини берган СамИСИнинг “Илмий ишлар ва инновациялар” бўйича проректори Д.Ҳ.Аслановага, профессор М.М.Мухаммедовга ҳамда “Маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси Н.Бобоевга ҳам чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Мен Европадаги Дублин Технология университети, хусусан, “Молия ва Бухгалтери ҳисоби” кафедраси ўқитувчиси иқтисодиёт фанлари доктори Р.Р.Ҳайдаровга ҳам тадқиқот давомида зарур ресурслар ва ёрдамни тақдим этгани, қўллаб-қувватлагани учун алоҳида миннатдорчилик билдираман. Р.Р.Ҳайдаров ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган методологияларни ушбу тадқиқот ишида қўллашда жуда катта амалий кўмак берди. Ушбу тадқиқот ишини ёзиш ва якунлаш Сизнинг қўллаб-қувватлашингиз орқали бўлди. Сизнинг амалий маслаҳатингиз ушбу ишни бойитди. Мен Сиздан миннатдорман ва умид қиламанки, ушбу тадқиқот ишининг якунланиши Сизни фахрлантиради.

Мени ҳар қандай шароитда қўллаган ва руҳий мадад берган оила аъзоларимга хусусан, отам ва онамга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бундан ташқари тадқиқот ишига жуда қизиқиш билдирган ва ҳар томонлама хамроҳ бўлган қадрдон дўстим Ф.А.Маматқуловга, докторантурада бирга ўқиган курсдошим С.Ташназаровга, шогирдларим Ж.Гафарова ва З.Бозоровларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ёрдам ва хотиралар учун барчангизга ташаккур!

Мундарижа

Аннотация iii
Миннатдорчилик iv
Жадваллар рўйхати vi
Чизмалар рўйхати vii
I БОБ: Кириш 8
II БОБ: Тадқиқотга оид адабиётлар таҳлили 13
2.1 Кириш 13
2.2 Олий таълим, инсон капитали ва иқтисодий ўсиш 13
2.3 Талабаларнинг ОТМдан қониқиши 29
2.4 Талабаларнинг ОТМга бўлган садоқати 31
2.5 Хулоса 32
III БОБ: Тадқиқот методологияси 34
3.1. Кириш 34
3.2. Структурали тенгламалар асосида моделлаштиришнинг назарий асослари 39
3.3. Структурали тенгламалар асосида моделлаштиришнинг (CFA) босқичи 45
3.4. Структурали тенгламалар асосида моделлаштиришнинг тенгламалар системасини куриш босқичи 47
3.5. Сўровномани ишлаб чиқиш 49
3.6. Сўровноманининг таркибий қисмлари мазмуни 50
3.6.1. Профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданияти 51
3.6.2. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати 51
3.6.3. Профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билимини баҳолаши 53
3.6.4. Профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни қўллаб-қувватлаши 54
3.6.5. Профессор-ўқитувчилар фаолиятидан талабаларнинг қониқиши. 56
3.7. Концептуал моделларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш 59
3.8. Хулоса 64
IV ВОВ: Таҳлил ва натижалар 66
4.1. Кириш 66
4.2. Демографик таҳлил 66
4.3. CFA ва SEM таҳлил натижалари 71
4.3.1. CFA таҳлил натижалари 71
4.3.2. SEM таҳлили натижалари ва гепотезаларни текшириш 80
4.3.3. Хулоса 89
V ВОВ: Хулоса ва таклифлар 93
5.1. Кириш 93
5.2. Тадқиқотнинг илмий назарияга қўшган ҳиссаси 94
5.3. Тадқиқотнинг камчилиги ва истиқболи 102
5.4. Умумий хулоса (таклиф ва тавсиялар) 103
Фойдаланилган адабиётлар 109
Иловалар 116

Жадваллар рўйхати

жадвал 1: концептуал модел омиллари..... 11
жадвал 2: латент омилларнинг қисқача тавсифи..... 38
жадвал 3: структурали тенгламалар системасининг ифодаланиши 42
жадвал 4: профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданиятини ифодаловчи индикаторлар.....51
жадвал 5: профессор-ўқитувчиларнинг педагогик махоратини ифодоловчи индикаторлар.....52
жадвал 6: профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билимини баҳолашини ифодоловчи индикаторлар..... 54
жадвал 7: профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни қўллаб-қувватлашини тавсифловчи индикаторлар 55
жадвал 8: профессор-ўқитувчилар фаолиятидан талабаларнинг қониқишини тавсифлайдиган индикаторлар 58
жадвал 9: латент омиллар рўйхати..... 59
жадвал 10: 1-концептуал модел бўйича шакллантирилган гипотезалар рўйхати.60
жадвал 11: 2-концептуал модел бўйича шакллантирилган гипотезалар рўйхати.62
жадвал 12: сўровнома натижасида аниқланган умумий демографик холат.....69
жадвал 13: талабалар таркибини тўлов тури, ёш ва жинс кўрсаткичлари бўйича тақсимоти..... 70
жадвал 14: талабалар таркибининг тўлов тури, ёш ва таълим босқичи кўрсаткичлари бўйича тақсимоти.....70
жадвал 15: профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси ва маданияти латент омилни ифодаловчи индикаторлар таркиби ва CFA таҳлил натижалари..... 72
жадвал 16: профессор-ўқитувчиларнинг педагогик махорати латент омилини ифодоловчи индикаторлар таркиби ва CFA таҳлил натижалари..... 73
жадвал 17: профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билимини баҳолаши латент омили бўйича CFA таҳлил натижалари..... 74
жадвал 18: профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни қўллаб-қувватлаши латент омилининг CFA таҳлил натижалари.....75
жадвал 19: профессор-ўқитувчилар фаолиятидан талабаларнинг қониқиши латент омилининг CFA таҳлил натижалари..... 76
жадвал 20: талабаларнинг ОТМга бўлган садоқати латент омилининг CFA таҳлил натижалари.....78
жадвал 21: омилларнинг CFA натижалари бўйича ўлчовнинг мослигини баҳолаш индексларининг қийматлари 78
жадвал 22: CFA ўтказилгандан сўнг қолган индикаторлар сони.....80
жадвал 23: 1 - концептуал модел бўйича гепотезаларни текшириш натижаси.....82
жадвал 24: 2 - концептуал модел бўйича статистик кўрсаткичлар ва гепотезалар натижаси.....88

Чизма ва расмлар рўйхати

чизма 1: 1- концептуал моделнинг структуравий диаграммавий шакли.....61
чизма 2: 2-концептуал моделнинг структуравий диаграммавий шакли.....63
чизма 3: Талабаларнинг жинси ва ёши бўйича таркиби.....67
чизма 4: Таълим босқичи ва даражаси бўйича талабалар таркиби.....68
чизма 5: 1-концептуал модел натижалари.....81
чизма 6: Controls ўзгарувчилари таъсирини ифодоловчи SEMнинг структуравий диаграммаси.....85
чизма 7: 2-концептуал моделнинг структуравий диаграммали шакли.....87

расм 1: Структуравий моделлаштириш босқичлари.....36
расм 2: SEMни ифодалашнинг структуравий диаграмма усули.....41